



Ислом Нури

Вақф – аслини ушлаб қолиб, фойдани кўпчилик фойдаланиши учун чиқариб қўйишдир. Аслдан мурод – таг-туғи қолиши билан фойдаланиш мумкин бўлган нарсадир. Ҳовли-жойлар, дўконлар, мевали боғлар ва ҳоказолар каби. Фойдадан мурод – ўша аслдан келиб чиққан фойда-даромаддир. Мева-чева, ижара ҳақи, уй-жойда яшаш ва шу кабилар.

Вақфнинг ҳукми – у Исломда мустаҳаб бўлган қурбат, яъни ибодатдир. Бунга далил саҳиҳ суннатдир:

– «Саҳиҳайн»да ривоят қилинишича, Умар розияллоҳу анҳу: «Ё Расулуллоҳ, Менга Хайбардан бир ер тегди, мен ҳеч қачон ундан кўра яхшироқ молга эга бўлган эмасман. Буюринг, уни нима қилай?», дедилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Агар истасангиз, аслини сақлаб қолиб, (фойдасини) садақа қилинг», дедилар. Шундан сўнг Умар уни: сотилмайди, ҳадя қилинмайди, мерос қолдирилмайди, деб садақа қилдилар. Умар уни фақирларга, қариндошларига, қулларни озод қилишга, Аллоҳ йўлидагиларга, мусофирларга, меҳмонларга деб садақа қилдилар (Бухорий (2737) ва Муслим (1632) ривоятлари).

– Имом Муслим «Саҳиҳ»ида ривоят қилинишича, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Инсон вафот этгач, барча амаллари ундан узилади: фақат учта амали(дан савоб келиб туради): садақаи жориядан, фойдаланиб туриладиган илмдан ва ҳаққиға дуо қилиб туриладиган солиҳ фарзанддан (Муслим (1631) Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан ривояти).

– Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам асҳобларидан қай бир киши қурби етган



Ислом Нури

бўлса, албатта вақф қилганди» (Ал-муғний: 5/348).

- Қуртубий раҳимаҳуллоҳ айтади: «Имомлар ўртасида кўприклар ва масжидларни (вақф қилиб) ушлаш тўғрисида хилоф йўқдир, бундан бошқа нарсаларда ихтилоф қилганлар» (Кашфул-қиноъ: 4/240).

Вақф қилувчи киши тасарруф қилишга лаёқатли, яъни, оқил, болиғ, озод одам бўлиши шарт қилинади, ёш бола, ақлсиз киши ва қулнинг вақфи яроқли бўлмайди.

Вақф қуйидаги икки ишнинг бири билан ҳосил бўлади:

1. «Шу жойни вақф қилдим ё уни масжид қилдим» деганга ўхшаш вақфга далолат қилувчи сўз билан.
2. Одамларнинг урфида вақфга далолат қилувчи иш-феъл билан. Масалан, ҳовлисини масжид қилиб қўйиб, унда ҳаммага намоз ўқишга изн берганга ўхшаш ёки ер-мулкни қабристон қилиб, унга ҳамманинг дафн қилинишига изн берганга ўхшаш.

Вақф қилиш ҳақидаги лафзлар икки қисмга бўлинади:

Биринчи қисм: Очиқ лафзлар. Вақф қилдим, вақфга ушладим, фойдасини ҳаммага қилдим, (вақф деб) атадим каби. Булар очиқ лафзлар бўлиб, одатда вақфдан бошқа маънога далолат қилмайди. Шу лафзлардан бирини айтган бўлса, шу билан вақф бўлиб қолаверади ва яна қўшимча бошқа ишга ҳожат қолмайди.

Иккинчи қисм: Киноя (яъни, вақф маъноси тушуниладиган) лафзлар. Масалан, садақа қилдим, (ўзимга) ҳаром қилдим, абадийликка қолдирдим деганга ўхшаш сўзлар. Бу каби сўзларни киноя деб аталади. Чунки, улардан вақф маъноси ҳам, бошқа маъно ҳам



Ислом Нури

тушунилиши мумкин. Ушбу лафзлардан биронтасини айтса, у билан вақфни ният қилган бўлиши ҳам шарт қилинади. Ёки у билан бирга очиқ вақфни ифода этувчи лафзлардан биронтасини қўшиб айтиши ёки киноя лафзларидан яна биронтасини қўшиши шарт қилинади. Масалан: «Шунча нарсани вақф қилинган садақа қилдим ё (ўзимга) ҳаром қилинган садақа қилдим ё абадийликка қолувчи садақа қилдим», деганга ўхшаш ёки «Шунча нарсани сотилмайдиган ва мерос қўйилмайдиган садақа қилдим» деганга ўхшаш.

Вақф саҳиҳ бўлиши учун бир неча шартлар мавжуд. Улар қуйидагилар:

1. Вақф қўювчи киши юқорида айтилганидек, тасарруфга лаёқатли киши бўлиши.
2. Вақф қўйилаётган нарса асли сақланиб қолгани ҳолда фойдаси давомий бўлиб турадиган нарса бўлиши. Фойдаланиш билан тамом бўлиб қоладиган нарсани, масалан, таомни вақф қилиш дуруст бўлмайди.
3. Вақф қўйилаётган нарса муайян нарса бўлиши лозим. Муайян бўлмаган (ноаниқ) нарсани вақф қилиш дуруст бўлмайди. Яъни, масалан: «Кулларимдан бирини ёки уйларимдан бирини вақф қилдим» деса, дуруст бўлмайди.
4. Вақф яхшилик ишлари учун бўлиши. Чунки, ундан мурод – Аллоҳ таолога қурбат (яқинлик) ҳосил қилишдир. Масжидлар, кўприклар қилиш, ичишга сув чиқариб қўйиш, илмий китоблар, мискинлар, қариндошларга сарфлаш каби. Яхшилик бўлмаган ишларга вақф қилиш дуруст бўлмайди. Бутхоналар, куфр китоблари, мазорларга чироқ ва шамлар ёқишга ёки шу ишларни қилувчи хизматчиларига (шайхларига) вақф қилиш каби. Чунки, бу ишлар маъсият, ширк ва куфрга ёрдам бериш бўлади.
5. Муайян кишига вақфнинг яроқли бўлиши учун ўша муайян шахс



Ислом Нури

бирон мулкка эгадорликка лаёқатли шахс бўлиши шарт қилинади. Чунки, вақф дегани мулк қилиб беришдир. Мулкка эга бўлишга яроқсиз бўлган маййитга ёки ҳайвонга вақф қилиш дуруст бўлмайди.

6. Вақф яроқли бўлиши учун у ниҳой нарса бўлиши шартдир. Вақтинчалик ёки муаллақ нарсани вақф қилиш жоиз эмас. Фақат ўлимга боғлиқ қилса ва: «Мен ўлганимдан сўнг уйим камбағалларга вақф бўлсин», деса, дуруст бўлади. Чунки, Умар розияллоҳу анҳу агар ўзига бирон кори-ҳол бўлса, Самғ (яъни, унга қарашли бир ер) садақа бўлишига васият қилганлар (Абу Довуд (2879) ривояти). Унинг шу ишни қилгани машҳур бўлган ва ҳеч ким тарафидан инкор қилинмаган. Демак, бу ижмоъ бўлди. Ўлимга боғлиқ қилинган вақф молнинг учдан бирига чекланган бўлади. Чунки, бу васият ҳукмида бўлади.

Вақфга доир ҳукмлардан яна бири шуки, вақф қўювчининг шартига – агар шариатга хилоф бўлмаса – амал қилиниши лозим бўлади. Чунки, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Мусулмонлар қилган шартлари устидадир, ҳаромни ҳалол қилган, ҳалолни ҳаром қилган шарт бундан мустасно», деганлар (Абу Довуд (3594) Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан, Термизий (1352) Амр ибн Авф розияллоҳу анҳудан ривоят қилганлар). Чунки, Умар розияллоҳу анҳу вақф қилганлар ва бунда шарт қўйганлар, агар шартига риоя қилиш фарз бўлмаса эди, шарт қўйишининг фойдаси бўлмас эди. Агар шarti вақфининг бир миқдорига чекланган бўлса ёки баъзи ҳақдорларни бошқа баъзиларидан муқаддам қилишни шарт қилган бўлса ёки ҳақдор бўлувчида бир сифатнинг бўлишини шарт қилган бўлса ёки аксинча, бир сифатнинг бўлмаслигини шарт қилган бўлса, ёки вақфга назоратчиликни шарт қилган бўлса ва ҳоказо шартларни қилган бўлса, модомики, Китобу Суннатга хилоф шарт бўлмаса, унга амал



Ислом Нури

қилиш лозим бўлади.

Агар ҳеч нарсани шарт қилмаган бўлса, унга ҳақдор бўлишда бой ҳам, камбағал ҳам, эркак ҳам, аёл ҳам баробар бўлади.

Агар вақфга бир нозирни (қараб турувчи, назоратчи) тайин қилмаган бўлса, ёки бирон кишини тайин қилган бўлса-ю, у вафот этиб кетса, вақфга ҳақли киши муайян шахс бўлса, назоратчилик унинг зиммасида бўлади. Борди-ю, вақф масжидлар каби бирон жиҳатга бўлган бўлса ёки муайян санокда бўлмаган мискинларга бўлган бўлса, вақфга назоратчилик ҳокимнинг зиммасида бўлади ёки ҳоким тарафидан бирон киши унга ноиб бўлади.

Нозир Аллоҳдан тақво қилиши ва вақфни чиройли бошқариши лозим. Чунки, бу унинг зиммасига юкланган омонатдир.

Агар болаларига вақф қилган бўлса, унга ўғил-қизлар барчаси бирдек ҳақли бўладилар. Чунки, уларни унга шерик қилиб қолдирди. Мутлақ шериклик эса унда барча баробар ҳақли бўлишни тақозо қилади. Шунингдек, бирон нарсани болаларига, улардан сўнг ўзининг кейинги пуштларига деб вақф қилса, вақф ўғилларининг фарзандларига ўтади, қизларининг фарзандларига эмас. Чунки, улар бошқа бир эркакнинг пуштларидир ва ўз оталарига нисбатланадилар, улар Аллоҳ таолонинг: **«Аллоҳ фарзандларингизга (тегишли мерос) ҳақида... амр қилур** (Нисо: 11) ояти остига кирмайдилар. Баъзи уламолар улар ҳам фарзандлар қаторига киришини айтганлар, чунки қизлар ҳам унинг авлодлари, қизларининг болалари ҳам унинг авлодлари бўлади, деганлар. Валлоҳу аълам.

Агар: «Болаларимга – ёки фалончининг болаларига – вақф» деган



Ислом Нури

бўлса, вақф ўғил фарзандларга хос бўлади. Чунки, болалар (□□□□) деганда ўғил болалар тушунилади. Аллоҳ таоло айтганидек: «(Эй мушриклар), **балки қизлар (□□□□□□) У зотники-ю, ўғиллар (□□□□□□) сизларникидир?!**» (Ват-тур: 39). Аммо, агар вақфга эга бўлувчилар бир қабила бўлса, Бану Ҳошим (Ҳошим болалари), Бану Тамим (Тамим болалари) каби, аёллар ҳам улар ичига киради. Чунки, қабила исми унинг ичидаги эркаклару аёлларни ўз ичига олади.

Лекин, агар саноғи чекли бир жамоатга вақф қилган бўлса, уларнинг ҳаммасини унга баробар шерик қилиш лозим бўлади. Агар саноғи чекли бўлмаса, Бану Ҳошим, Бану Тамим каби, уларнинг барчасини баробар ҳақли қилиш фарз бўлмайди, балки уни баъзиларига чеклаш ва баъзиларини баъзиларидан лойикроқ қилиш жоиз бўлади.

Вақф лафзнинг ўзи биланоқ лозим бўлувчи ақддир, уни бузиш жоиз бўлмайди. Чунки, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Унинг асли сотилмайди, ҳадя қилинмайди, мерос қолдирилмайди», деганлар (Бухорий (2764) ва Муслим (1632) Ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилганлар). Имом Термизий сўзларига кўра, аҳли илмлар наздида, амал мана шу ҳадисгадир, уни бузиш жоиз эмас, чунки у абадий вақфдир.

Сотилмайди, ўрnidан кўчирилмайди, фақат буткул фойдаланиб бўлмас даражага етган бўлса, яъни, масалан, ҳовли-жой вайрон бўлиб, вақфнинг фойдасидан уни тузатиш имкони бўлмаса, ёки экин майдони қуриб, ўлик ҳолга келиб қолган бўлса ва вақфнинг фойдасидан уни обод қилиш имкони бўлмаса, у ҳолда вақфни сотилади ва пулини унинг мислига (яъни, айнаи ўзига ўхшаган бир нарсани сотиб олишга) ишлатилади. Чунки, шу нарса вақф кўювчининг мақсадига яқин иш бўлади. Агар тўлалигича ўзига ўхшаш нарса бўлиши имконсиз бўлса,



Ислом Нури

мислининг бир қисмига ишлатиш ҳам жоиз. У ҳолда ўша ўрнига сотиб олинган нарса сотиб олинганидан бошлаб вақф бўлиб қолади.

Агар вақф масжид бўлса-ю, ишламаётган ва ўз ўрнида фойдаланилмаётган бўлса, яъни, масалан, масжид жойлашган маҳалла бузилган бўлса, уни сотилиб, пулини бошқа масжидга ишлатилади. Агар бир масжиднинг вақфидан тушган фойдаси ўз ҳожатларидан ортиқча бўлса, ортиқчасини бошқа масжидга ишлатиш жоиздир. Чунки, бу уни вақф қўйилган мақсадда ишлатиш бўлади. Бир масжиднинг вақфидан келган фойданинг ортиқчасини мискинларга садақа қилиш ҳам жоиз бўлади.

Агар бир муайян шахсга вақф қўйган бўлса, масалан: «Бу Зайдга вақфдир, ундан Зайдга ҳар йили юзта (...) бериб турилади», деган бўлса, вақфнинг фойдасидан юзтадан ортганини сақлаб қўйилади. Шайхулислом Ибн Таймия раҳимахуллоҳ сўзларига кўра, фойдаси доим ортиқча бўлиши аниқ бўлса, уни сарф қилинади (Ал-фатавал-кубро: 4/514).

Агар масжидга вақф қилган бўлса-ю, масжид бузилиб кетиб, унга вақфдан сарфлаш мумкин бўлмай қолса, уни ўзига ўхшаган бошқа масжидларга ишлатилади.